iste'dod

Абдувоҳид Ҳайит

шеърлар

ЖОН ҚУШИ

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти

"ЁЗУВЧИ" нашриёти

Абдувоҳид Ҳайит

ЖОН ҚУШИ

Шеърлар

Тошкент
«Ўзбекистон»—«Ёзувчи»
нашриётлари

Адабий-бадиий нашр

Абдувоҳид Ҳайит

ЖОН ҚУШИ

Шеърлар

Муҳаррир: *Ф. Камолова*
Расмлар муҳаррири: *А. Мамажонов*
Техн. муҳаррирлар *У. Ким, А. Горшкова*

ИБ № 238

Босмахонага берилди 2. 08. 94. Босишга рухсат этилди 18.11.94. Ўлчами 70×90¹/₃₂. Рўзнома қоғози. Балтика гарнитура. Юқори босма. Шартли б. тобоғи 1,17. Шартли ранг оттиск 1,46. Нашр тобоғи 1,16. Жами 3000. нусха. Буюртма 566 Шартнома 13—94. Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон» — «Ёзувчи» нашриётлари. Тошкент Навоий кўчаси, 30.

Ижара пудратидаги Тошкент полиграфия комбинати- Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

Х 19

Ушбу мажмуа «Ўзбекистон»—«Ёзувчи» нашриётларининг ёш ижодкорларга ҳомийлиги тариқасида нашр этилди.

Ҳайит, Абдувоҳид.
Жон қуши: Шеърлар / Сўз боши А. Қутбиддин/.— Т. Ёзувчи, 1994.—32б.

Ўз2

Х $\frac{4702620202—25}{М\ 362(04)—94}$ 1994

ISBN 5-8255-0240-8

© Абдувоҳид Ҳайит, 1994 й.

Эзгулик сари йўл юракдан бошланади, юракларга ўтади, тағин юракка қайтади. Зеро, эзгулик — кўнгил талпинчидир. Бу талпинч ўз навбатида туйғу-ҳис, қон аро шовуллаб тургич ҳайқириқдир.

Абдувоҳид Ҳайит шеърлари ана шу талпинч, талпинч ҳайқириғининг турфа мажозий сувратларидир. Сувратлар майин истиҳола вазнида аксланади Ўзига ярашиқ овоз кенглиги шеърларни ўқимишли, ёқимли қилади.

Умуман Абдувоҳид кечаги хазиналарни очишга қодир шоир. Ишончим борки, эрта уникидир.

Абдували Қутбиддин.

* * *

Сени гул баргида парвариш эттим,
Димоғинг насимлар кулдирар эди,
Юлдузлар зарридан келтирар эди,
Кўшкингда парилар ўлтирар эди.

Сени гул баргида парвариш эттим,
Субҳдан силқиган бир томчи шабнам,
Шабнам сийнасида нозланган санам,
Жоним титратмага айлаган маҳрам.

Ахир каҳкашонда излаган эдим,
Ахир каҳкашонди кўзим ёшлари,
Ахир топингандим сенга, ниначим,
Ахир яшагандим сенда, ёнарқурт,

Ахир қучган эди сени, Муштарий,
Ахир кўчган эди жисмингга, Зуҳро,
Ахир топган эдим гулда, топиндиқ,
Ахир топишгандик гулда, топинчим...

Сени гул баргида парвариш ЭТГУМ.

* * *

Ки ҳарне олами суғрода мавжуд,
Бори бу олами куброда мавжуд.

А. Навоий

Зарнигор илоҳам тушимга кирар
(Тушимнинг кирмаган қўнолғаси йўқ).
Дудоғин эпкини юзимга урар
(Менингми, унингми — кўзлари юмуқ).

Шафақлар индириб кўзга табассум,
Зиёлар баҳрига ташлайди мени.
Бод узра силкиниб қомати, беун
Сулаймон тахтига бошлайди мени.

Самодан бир дайр келару сузиб,
Қайгадир бизларни кетар ўғирлаб,
Инжа бир оҳанглар юрарлар кезиб,
Инжа бир насимлар кулар қиқирлаб.

Сузармиз ёғдулар гулшани аро,
Қатли нас келтирмас бунда қабоқлар.
Чумчуқлар кулишар дийдаси дарё,
Қаҳқаҳа уришар ҳаттоки зоғлар.

Мажнунлар ўтишар диллари байроқ,
Малаклар сепишар буржларга атир.
Нурланиб,
Дурланиб сўйлайди ул: боқ —
У олам тор, ахир, бу олам кабир.

Юлдузлар эпкини юзимга урар,
Борлиққа айланиб кетгайдир бағир...
Зарнигор илоҳам тушимга кирар,
У олам тор, дейди, бу олам кабир.

КЎКСИМДА БИР ТОШ БОР...

Қарошлар, қарошлар,
Юлдуз қарошлар —
Кўнглим ойнасига
Отилган тошлар.

Шишадек чил пора
Тўкилгай кўнгил,
Порасин бепарво
Босиб ўтгай ул.

Энтикиб ортидан
Елиб борар жон,
Муддаи ўқига
Бўлгайдир нишон.

Тахайюл боғимда
Солланса товус,
Қаҳрининг лашкари
Айлагай маҳбус...

Нетай, ой — ҳамдардим,
Хаёл — масканим,
Бир умид муждаси —
Қулоқ осганим.

Қалбимда бир гул бор —
Қаерга экай?
Кўксимда бир тош бор —
Қаерга чўкай?

* * *

Ўша манзил, ўша маъво,
Ҳаво оғир, тунд самo —
Айрилиқнинг ҳайкалидай
Боқар бари бенаво.

Ариқларнинг шивирида
Хотиралар жимирлар.
Баргларнинг шитиридан
Юраккинам симиллар.

Афсонадай бир ҳақиқат
Уйиб ўтар ўйимни,
Ҳақиқатдай бир афсона
Улаб кетар куйимни.

Ўша манзил, ўша маъво,
Қолиб сендан мосуво,
Армонларнинг ҳайкалидай
Қилгум унсиз дийдиё.

ЭЙ ҚУЁШ ҲАЖРИДА ЎРТАНГАН ҚАМАР

Эшитдим, қаро кўз, қаро туғингни
Тикиб, тун қаърига кетибсан бадар.
Қайга элтмоқдасан қора чўғингни,
Эй, қуёш ҳажрида ўртанган қамар?

Қаён кетмоқдасан оташ ахтариб,
Ўт дебон зулматга юзланган қақнус?
Сени излаганлар — бекам, музтариб,
Сени истаганлар — бедил, беҳадис.

Қайга элтар сени кўксингдаги чўғ?
Куфрингдаги урён дардинг-да ажиб.
Жисмингда не савдо — азоби улуғ,
Заволингга йўқми етгувчи табиб?

Оҳу кўзларингда муҳаббат сағир,
Лабларингда лаънат, минг дор бошингда.
Бормоқдасан саркаш, яноғингда дур,
Шайтон маҳкамаси турар қошингда.

Қайт, гулим, пойингга фидо бу жонлар,
Қайт, гўзал, бут, ўшал ҳур тимсолига,
Қайтарлар сен нурга йўғрилган онлар,
Йиғларсан ва бу зор бедил ҳолига.

Саждага инмассан иблис пойига,
Сенга бош эгмаган иблис пойига.

* * *

Қароғимда, ман-ей, бир лола буткурдим,
Совурмоқ қасдида девбода сен келдинг.
Азобинг ўтини жонимдан ўткурдим,
Қовурмоқ қасдида бедод-а сен келдинг.
Яшарди жон қушим ҳуснинг хаёлида,
Учирмоқ қасдида сайёд-а сен келдинг.
Ушиқ сармастлигим эл қийлу қолида,
Ичирмоқ қасдида боз бода сен келдинг.
Замон бозорида кўнглим харидорин
Қочирмоқ қасдида савдода сен келдинг.
Ва ё тупроқ тубига жисму афгорим
Яширмоқ қасду, ҳур сиймода сен келдинг.
Ахир юлдузга еткурган эди еллар,
Туширмоқ қасдида Зуҳрода сен келдинг.
Ахир заҳмим кўмиб кетган эди йиллар,
Очирмоқ қасдида, ВОҲ, ЁДА сен келдинг.

* * *

Масканинг тубанми, кифтингда тошми,
Вужудинг заъфарми, зиёга зормн,
Борлиғинг зулматми, аҳдинг — бардошми,
Маснадинг маҳталми, мазгил душворми,
Сенми чиқолмаган ёриб туфроқни,
Менми чиқолмаган ёриб фироқни?

Йўлинг юлдузгами, гуллашми — орзу,
Сабога дилингни бермоқми — истак,
Кўзларинг сўқирми, ютганинг — оғу,
Шунчалар метинми бўғзингда кесак,
Сенми чиқолмаган ёриб туфроқни,
Менми киролмаган ёриб туфроқни?

* * *

Саркашим, бўғзимни ватан қилган сўз,
Қабоғим кўкида қадалган юлдуз,
Сийратим саҳнида товланган товус,
Сени севарманми?

Сочларим авраган алдоқчи шамол,
Ҳайкалга айланган самовий хаёл,
Зулматга чайилган сиймгун савол:
Сени севарманми?

Ботиним мулкига тўкилган жавҳар,
Бир сулув рўйига бекинган аждар,
Юрагим қинига тиқилган ханжар —
Сени севарманми?

* * *

Балки бу кузда ҳам баҳор ифори,
Хазонли боғларга ҳазинлик абас.
Аммо хит дилларда йиллар ғубори,
Сен ҳам у эмассан,
Мен ҳам у эмас...

Мунаввар маъвода ўша ой — сузар,
Сой ҳам шу: кезишар икки қалб пайваст,
Лабларга толе ўз муҳрини чизар,
Бироқ сен у эмас,
Мен ҳам у эмас.

Ҳофиза қатида ажиб бир бўстон,
Хазонли боғларнинг мавжларин туйдик.
Бир умр висолга эришдик, алҳол
Мен сени,
Сен мени — йўқотиб қўйдик...

Ахир бу кузда ҳам баҳор ифори,
Ахир, боқ, сийнангни тўлдирар ҳавосс[1]
Нечук бу манзилда йиллар девори,
Нега сен у эмас,
Мен ҳам у эмас?!

РУҲИЙ ВАЗИЯТ

Йўқ-йўқ, ҳавас эмас, ҳасад ҳам эмас,
Ҳайрат ҳам атама сукутни зинҳор.
Нимадир дейишга ғурурим қўймас,
Ҳеч нарса демасдан туриш ҳам душвор.

[1] *Ҳавосс* — (ар) ҳислар, шевада ҳаяжон, ваҳима маъно ларида.

Йўқ-йўқ, насиҳатнинг мавриди эмас,
Сен сари кетиш ҳам имонимга ёт.
Юраклар бир-бирин тилини билмас,
Сен менга, мен сенга тилаймиз имдод.

* * *

Қош қорайса бизлар кетармиз.
Устунлардан ниҳол кўкарган, дедингиз.
Ой йўқ.
Ерга балқиб тушган, дедингиз.
Тошларни елини тўлган.
Тупроқ олтин, дедингиз ахир!
Дедингиз-ку:
Озод этдим қобирғалардан,
Осмон — ўланзор,
Борлиқ — ўлан — зор,
Дедингиз-ку, ахир!..

* * *

Сен ҳурсан, фазода жисмин йўқотган,
Эртакдан тирилиб чиққан шаҳидим.
Лавҳда битилган исмин йўқотган,
Исончи ~~Инсон~~ ахтариб чиққан масиҳим.

Изтироб нишони — кўзларингда ёш —
Қарочуғ чўғида туғилган зурёд.
Сен ҳурсан, пойингга эгадирман бош,
Карбало даштида бўғилган фарёд.

Ҳижрон ридосини тортиб бошига,
Ўзидан мосуво куйган ботини,
Қоп-қора зардоблар тўплаб лошига,
Сен ҳурсан, унутган асил зотини.

Гуллар тераяпман нигоҳларингдан,
Гулга буркаяпман урён руҳимни.
Гуллаб бораяпман титроқларингдан,
Гулдан излаяпман, гулдан, ўзимни.

Сен ҳурсан, худолар исинган оташ,
Бир меҳр илгида банди, асирим.
Кифтига Кўҳи Қоф қўндирган ғамкаш,
Исони ахтариб чиққан масиҳим...

* * *

Ҳар тонг мен субҳнинг чиқиб қошига,
Ибтидо васфида оят ўқидим.
Ҳар гал мен йўғриниб шомнинг сочига,
Шаҳидлар шаънига гиря тўқидим.

Ҳар гал мен эмганиб чиқдим қояга,
Ҳар гал мен бош эгиб қайтдим қоядан.
Пояма-поялаб етдим вояга,
Ваҳки, бир оҳ кўрдим ҳар бир пояда.

Ваҳки, бир ғам кўрдим — билдим ҳақиқат,
Бир қувонч кўрдим мен кўзга сургулик.
Чашмайи кавсарга етдим этиб қат,
Саҳнига ёзмишдир қазо: «кўргулик».

Ҳар тонг мен туғилиб дард йўргагида,
Туйғу гулларини эмган капалак,
Кундуз куйлаб ўтиб кун этагида,
Оқшом ўлимига кўнган капалак.

Эй шамол, замири бўм-бўш ғалвакаш,
Эй дарахт, учмоққа ҳаваснок суврат.

Эй, тоғлар, тош қотган қуп-қуруқ бардош,
Туйғу таъмирига йўқ менда журъат...

Ҳар тонг мен субҳнинг чиқиб қошига
Ибтидо васфида оят ўқидим...

СЎЗЛАСАНГ, СЎЗЛАСАМ

Бахт кулиб васлингга бир имкон бўлса,
Сену мен, кимсасиз бир макон бўлса,
Фасли гул, савти ишқ ҳам равон бўлса,
Ҳижрондан вайрона дилим ўнгласам,
Сўзласанг,
Сўзласанг,
Тингласам.
«Бир умр мафтунман», десам, сен кулсанг,
«Ишқингда тутқунман», десам, сен кулсанг,
«Лайлисан, Мажнунман», десам, сен кулсанг,
Ҳижрондан вайрона дилинг ўнгласанг,
Сўзласам,
Сўзласам,
Тингласанг.
Нигоҳим, нигоҳинг — бойлатиб қўйсак,
Юракни юракка жойлатиб қўйсак,
Тил эмас, қалбларни сўйлатиб қўйсак,
Лаб-ки ул яноқдан наввот изласа,
Қалб эса
Сўзласа,
Сўзласа...

ВИДО

Видо айтмоқ керак аввало гулга,
Видолашмоқ керак нигоҳлар билан.
Дарахтлар, йўлаклар, ёмғирлар билан,
Видо айтмоқ керак дўсту ёронга.

Айта билмоқ керак видо сўзини,
Туя билмоқ керак видо лаззатин.
Видо айтмоқ керак меҳр, қаҳрга,
Айтмоқ керак видо, тамом-вассалом.

Сувратларга видо айтмоқлик керак,
Кўзларга айтмоқлик керакдир эзиб.
Сўзларга айтмоқлик керак алвидо,
Видо тухмин экмоқ керак оламга.
Видо айтиш керак саломдан бурун,
Туғилмасдан бурун айтмоқлик керак,
Ҳар қадамда айтмоқ керакдир, зеро
Сўз боши видодир, алвидо.

АЗАЛИЙ ҚЎШИҚ

Бунёд этилдингу
Жамолингдан ёғду ёға бошлади,
Гулзорлар зарланди усрукларингдан,
Гуллар хижил бўлиб сиймин ташлади,
Оҳулар ҳуркдилар киприкларингдан,
Бунёд этилдим.
Уйғониб кетдингу,
Тамоша айладинг қайслар рақсини,
Дардингдай дунёга бегоналарни,
Холингга талашган мушклар баҳсию
Зулфингда жон берган парвоналарни,
Уйғониб кетдим.

Кунинг тийра бўлди,
Сен-да юз ўгирдинг девоналардан,
Қўмсадинг қавмингни, ризвонларингни,
Оҳиста чиқдингу паймоналардан,
Қуйдинг ул жомларга ҳижронларингни,
Куним тийра бўлди.

* * *

Агар айтаримни айтаверсам мен,
Агар эшитишга етса иродинг.
Агар яраларим очсам мен секин,
Агар оғриб кетса сенинг ҳам яранг.

Агар оқшом, десам, хилват сой, десам,
Агар хотирангда қалқса хотирот.
Агар сўзлаб туриб кўз ёшлар тўксам,
Агар вужудингда қуриса сабот —
МЕН БАХТСИЗ ЭМАСМАН...

КУЗ

Куз. Беҳол бандидан барглар узилар,
Бутоқдан бутоққа мезон чўзилар.
Булутлар тизилар, ҳаво бузилар,
Бўғотнинг бўғзида бир қуш эзилар —
Менга сезилар.
Бир қушча эзилар, ғамим қўзилар,
Зил-замбил дардлардан байтлар тузилар.
Бахтсиз кунларимдан ёдгор — кўксимга
БИР ҚУШЧА СУВРАТИ ЧИЗИЛАР.

* * *

Кўзларим кўрликни ўргатди менга,
Манглайим шўрликни ўргатди менга,
Юрагим ҳурликни ўргатди менга,
Сен менга яшашни ўргатгин, ўлим.

Давронлар шамолни менгзатди менга,
Шамоллар хору хас ирғатди менга,
Шайтонлар бирки базм безатди менга,
Сен менга яшашни ўргатгин, ўлим.

Дил дўзах йўлини кўрсатди менга,
Жон учмох эшигин излатди менга,
Тан бало тоғини юзлатди менга,
Сен менга яшашни ўргатгин, ўлим.

Гумроҳлар айтдилар: ўргатгувчимиз,
Ўзингни ўзингга ўрнатгувчимиз,
Кўзингни қошингга ўртатгувчимиз,
Сен менга яшашни ўргатгин, ўлим.

Хазоний боғларга келдим уриб бош,
Харсанглар бағрига кирдим бўлиб тош,
Мен дунё дарсига беролмадим дош,
Фақат сен яшашни ўргатгин, ўлим.

Қарғалар сайрашни ўргатди менга,
Бақалар сакрашни ўргатди менга,
Мушуклар савашни ўргатди менга,
Сен менга яшашни ўргатгин, ўлим.

ОЛАМИ КУБРО

Юзимга инди ел, тўлқин топарман,
Шамол оғушида ошуфта жоним.
Магарки, баҳри мухторман, чопарман,
Вужуд тутқинда, ел илгида жоним.
Билурманки, ҳаёт тўлғонмадандир,
Билурманки, само — айланма маъво.
Ва гар сокинману ўрганмагандир
Ғариб руҳим магар топмас ҳувайдо.
Фароғат ахтариб манзилга чиқсам,
Агарчи етсаму Зуҳро қадарли.
Етишсам Арш қадар, манзил етишсам,
Ўзимдан топсам ўзликдан асарни.

Вужуд тупроғига чирмашди оташ,
Қоришди етти осмонга тутуним.
Етиб етти чамандан етти дилкаш,
Тирилтмоқ азмида руҳи ҳазиним.
Бири пажмурда руҳимга сепиб мушк,
Бири таъбимга кўргузиб мурувват.
Бири жонимга шайлаб зарнигор кўшк,
Бири жисмимга йўллаб қўру қувват.
Бири панд бирла ақлим этса пайванд,
Бири ишқ шевасида соз этиб соз.
Бирин дол қадди дардим доли монанд,
Бўлиб ҳар қайси бир-бир туҳфа пардоз.

Кўнгил — куй куйида озурда қушча,
Кўнгил — ишқ можаросин шева этган.
Кўнгил — куймоқ иши эзгин ҳамиша,
Кўнгил — оҳи била кўкларга етган.
Малаклар манзили асли бу кўнгил,
Фалаклар, буду набуд унда пайдо.
Юзим зард айлаган асру бу кўнгил,
Ҳусндин йўллаган жисмимга савдо.

Халойиқ ичра хор этган бу кўнгил,
Ки ишқ мулкида шоҳ этган бу кўнгил.
Вужуд уйини тор этган бу кўнгил,
Адам мулкин паноҳ этган бу кўнгил.

Субҳ олам юзидин олди парда,
Чечаклар тақдилар заррин исирға.
Ювиб машшота гулларни саҳарда,
Шафақ кўмди ҳусн аҳлини нурга.
Кўнгил бўлди бу хилқатлар асири,
Сабо еткурди ёр зулфин насимин.
Чечаклар ёр дудоғининг надими,
Адирлар зуҳри ёр гулгун жабинин.
Кўнгил мулкига тушди бир ажиб жўш,
Убур этди малойик гулшанига.
Кўнгил ёр ҳусни боғи ичра бир қуш,
Ки етсин бу қафасдин гулшанига.

Юзимга инди ел тўлқин топарман,
Шамол оғушида ошуфта жоним...

* * *

Шу заминдан жиндак баландда,
Жиндак пастда Арши Аълодан
Бир маъво бор.

Шу қувончдан бироз қувончли,
Бироз ғамли мана шу ғамдан
Лаззат бор.

Заррадан ҳам кичик бир борлиқ,
Борликдан ҳам бийикроқ зарра
Бир гўша бор.

Бақадан-да хунук бир чеҳра,
Паридан-да сулувроқ хилқат —
Санам бор.

Қалб бор, ахир, даҳри маъвода,
Бу обу ўт, хоку ҳавода,
Қалбимдан-да улкапроқ бироқ,
Қалб бор,
Ахир.

* * *

Кўнгил гул фасли гулзор
Аро шод эрди сайёр,
Хазон айди номозшомгулни пойига тутошиб:
Қувончингиз утру-укдир,
Ғамингиз ҳақдир.
Оқарди сой шўх-шаън,
Ўпиб пойини гулшан,
Биёбондин хабар еткурди дарё ваҳми ошиб:
Қувончингиз утрукдир,
Ғамингиз ҳақдир.
Бу не сўз?— Майса ҳайрон,
Тузар ел бирла ҳангом,
Насим билганча деди не эшитди ақли шошиб:
Қувончингиз утрукдир,
Ғамингиз ҳақдир.
Деди хас бирла хошак,
Дедилар мурғу мошак,
Нидо кетди бу гулшандан замин то кўк тутошиб:
Қувончингиз утрукдир,
Ғамингиз ҳақдир.
Қамар юзин тутиб доғ,
Деди: Мужда бу қандоғ?

Зуҳалдин етти ифшо етти чарх давридин ошиб:
Қувончингиз утрукдир,
Ғамингиз ҳақдир.
Башар хайлига не ранг,
Ки, олам дер ҳамоҳанг,
Кўнгил гулзорига мисли чақин тушди бу ошуб:
Қувончингиз утрукдир,
Ғамингиз ҳақдир.
Қувончингиз утрукдир,
Ғамингиз ҳақдир.

ҚАЙТИШ

Тун — кун, кун — тун, асрлар забун,
Беун.
Сўйлайди даҳри-дун, сўйлови узун
Афсун.
Сун бобом қонидан, бир пиёла сун,
Гардун.
Мен поклик истайман, покиза очун,
Ўрхун!..

ДИЛИМГА ЙЎЛ ТОРТИНГ

Худодан йироқсан,?
дейди ҳар бир тош.

Г. Г. Лорка

Дунё каж буржига кийгизиб қабо,
Зийнатлаб, демишдир: шудир раббано.
Нигоҳим нурига чаймишдир уни,
Кўзимга мил тортинг, зинодир, зино.

Кажрафтор улусга ўт улашибдир,
Фосиқлар фисқдан боз ўт қалашибдир,
Шайтонни дўзахдан ўғирлашибдир,
Дилимга кул тортинг, риёдир, риё.
Машриқ йўл томонни тўзон тутмишдир,
Сабийлар сўрмишдир: кимлар ўтмишдир?
Набийлар айтмишдир: имон кетмишдир,
Дилимга йўл тортинг, видодир, видо.
Бир илон чиқмишдир замин тоқидан,
Заҳҳокка бермишдир илм жодудан
Ва маъбуд ясатмиш маймун хокидан,
ДИЛИМГА ЙЎЛ ТОРТИНГ...

* * *

Саболар сайилга чиққан гўшалар,
Тахайюл қасрида учган қушчалар,
Лолалар лабида шабнам — бўсалар,
Муаттар гулларга сиғинадурман,
Менам баҳоримни соғинадурман.

Осмоннинг бўғзига тиқилган абр,
Руҳимни арралар шубҳа ва сабр,
Гулбоғлар устида саҳройи кабир,
Бўғилиб қайларга йиғинадурман,
Менам баҳоримни соғинадурман.

Қуёшим чиқмас, о, қуёш чиқадир,
Дилдошим чиқмас, ой — сирдошим чиқадир,
Кўз ёшим чиқмас, оҳ, бардош чиқадир.
Кузларга, қишларга йўғринадурман,
Менам баҳоримни соғинадурман.

* * *

Нигоҳинг тур сенинг, сўзларинг сайёд,
Фикрат равзасида қилмишинг — барбод,
Пайконинг кулбамга етдими, ҳайҳот,
Руҳимга тиғ урма, жаллодим.

Ёнингда иблисми — ҳамроҳинг сенинг?
Нечун фалак бўлди — жанггоҳинг сенинг?
Жоним ол! Бўлмагай даргоҳим — сенинг,
Руҳимга тиғ урма, жаллодим.

Одамман, осийман, ва лекин хилқат —
Зулмату зиёга занжирбанд, дилбанд!
Ламакон, рўёдек тақдирга пайванд —
Руҳимга тиғ урма, жаллодим.

Оҳ, сени кўрдиму (чўчиб) йиғладим,
Жонимдан, танимдан кечиб йиғладим,
Боболар жомидан ичиб йиғладим,
Руҳимга тиғ урма, жаллодим.

ҚОБИРҒА

Тангри мени
Битта қобирғадан маҳрум этди
Офаринишнинг нурли бир куни.
Кўнгил кулбасидан очди бир туйнук.
Бир нур етишди дил шабистонига.
Руҳим титратмага тушди бу елдан,
Бир насим келди бу илоҳий йўлдан.
Бир оҳанг таралди илоҳий — ҳижрон.

Тангри мени
Битта қобирғадан маҳрум этди.

Тунлар тушларимга кирар қобирғам:
Еру кўкни тутар оппоқ сўнгаклар...
Менинг илк мотамим: дайди ит каби
Заминда кезиндим сўнгак ахтариб.
Ғариб шууримни ёритди бир ўй:
Оппоқ сўнгаклардан яралган олам!..

Тангри мени
Битта қобирғадан жудо этди.
Жудолик айёми қўмсайман ҳар кун:
Оҳ, қани суюкли менинг қобирғам?..
Тунлари қучаман қобирғаларим,
Шундай суяманки қобирғаларим —
Занжи қул занжирин суйгани каби.
Инграйман: суюкли қобирғам қайда?!

Тангри мени
Битта қобирғадан озод этди.
Кўксим қафасида туғилди бир оҳ.
Бўғилди, ўт қўйди ўз қафасига.
Ўтки, чўғ бўлдилар қобирғаларим.
Деди бир бандидан қутулган қулдай:
Мени озод этинг қобирғалардан,
Озод этинг мени қобирғалардан!..

Тангри мени
Атиги
Битта қобирғадан озод этди
Офаринишнинг нурли бир куни.

МЕН КУЛСАМ

Мен кулсам,
Табассум синдирар чеҳрамни,
Жимгина кузата бошлар деворлар,
Раҳмдил дийдалар ҳайратланишар,
Тушунишар мени телбалар.
Коинот йўқотар мувозанатин,
Бирдан миллион йиллик умр туганар,
(Қалбми, ўз кунжидан маъюс телмурар)
Ва яна
Ва яна ҳар гал мен кулсам,
Кўксимда нимадир кетар узилиб.

БОБОМГА

Сизнинг юзларингиз китобдир,
Оятдир битилган хатти ажинда.
Қадамларингиз суст, умр — шитобдир,
Ўйингиз охират ғаминда —
(Очилмаган дилим авроғи,
Ёзилмаган дилим авроғи.)
Сизнинг сўзларингиз сиймобдир,
Каъбатош мисоли муаллақ сўзлар.
Уфққа шўнғиган гавҳари тобдир,
Кўк узра паришон юлдузлар.
(Очилмаган дилим авроғи,
Ёзилмаган дилим авроғи.)
Сизнинг кўзларингиз пуробдир,
Оби ҳайвон — етган қақроқ лабингиз.
Кипригингиз сели узра саҳобдир,
Баҳор табиатли инжа таъбингиз.
(Очилмаган дилим авроғи,
Ёзилмаган дилим авроғи.)

Гоҳ ҳайрон боқасиз даврон сарига,
Сизнинг фалсафангиз кўп мушкул эмас —
Сизнингча, бу дунё одамларига
Сандал сатҳичалик кенглик етишмас.
Сизнинг изларингиз туробдир,
Кўзга сурдим.
Ўланлар фош этди менга бир ҳикмат:
Сиз кўрган ҳақиқат азобдир,
Сиз билган ҳақиқат — муҳаббат,
(Очилмаган дилим авроғи,
Ёзилмаган дилим авроғи.)

* * *

Дил айтар:
Ишқу йўқ тақдирда тамойил ўзга.
Дунё айтар:
Замона шеваси, шамойил ўзга.
Дил айтар:
Банду банд зулфига бандиман, банди,
Дунё айтар:
Даҳрийлар бўйнида даҳр каманди.
Дил айтар:
Оташки, камандинг ваҳмидан халос.
Дунё айтар:
Одамий занжирга эрур ихтисос.
Дил айтар:
Кўкларга ўрлагум куйга эшилиб.
Дунё айтар:
Найрангбоз бўлурсан элга қўшилиб.
Дил айтар:
Покликка элтгуси ишқ ичра хоклик.
Дунё айтар:
Қурбақа балчиқдан изламас поклик.

Дил айтар:
Ақлу ҳуш ҳукми-ла қилмам муроса.
Дунё айтар:
Расолар телба деб қилгай хулоса.
Дил айтар:
Девона кезинмоқ муродим билгин.
Дунё айтар:
Жунунлар даштига бўлурсан қувғин.
Дил айтар:
Бахтимдир ишқ ҳаққи кечсам дунёдан.
Дунё айтар:
Жон тўнин астари ранжу риёдан.
Дил айтар:
Тириклик титроғи вужудга жоиз.
Дунё айтар:
Вужуднинг қошида қолурсан ожиз.
Дил айтар:
Вужуднинг феълидан бўғзимда наъра.
Дунё айтар:
Вужуддан тикладим сенга мақбара.
Дил айтар:
Оҳки, чарх, дастингдан, бидъатинг битмас.
Дунё айтар:
Бидъатим дафъига қудратинг етмас.

ЎРХУН ҲАВЗАСИ

Туркгоз Ўрхуним, бизда ниҳол бор,
Илдизи оташда, ҳар барги бир туғ.
Бир куй бор қора от шаҳдидай тезкор,
Нигоҳ бор: ҳасратга кўмилган бир чўғ.

Еримиз мавжуддир, мавжуддир осмон,
Ёв ҳам бор, ёвки, не Табғач, Татаби.

Шу осмон, ер аро муаллақ ҳамон
Тунюқуқ нидоси, Билга матлаби.

Ва яна диллар бор (умидли диллар)
Тошларни бўзлатган битикка мойил.
Бир тўфон бўлмоқни истайди улар,
Бир туғён бўлмоққа истар шамойил.

ЭЪТИҚОД

Мен тушимга инондим,
Тушларимга инондим,
Бир сулувни суйдим мен,
Мен севгига инондим
(Алданмадим сира мен).

Саҳрода қароқчига
Бердим сўнги нонимни,
Насияга топширдим
Жаллодимга жонимни
(Мен уларга инондим).

Закий айтди: дунёга
Инонманглар. Инондим.
Валий айтди: рўёга
Инонманглар. Инондим.

Ёлғонларга инондим,
Илонларга инондим,
Шайтонларга инондим,
Алданмадим сира мен.

Мен севгига инондим,
Надир менга ёлғонлар,
Суйиб, севгидан тондим,
Тониб суйдим, ёронлар.

* * *

Жон қуши,
Зуннорингнинг — ҳижрон чангали,
Жон қуши,
Қайрилган қанотинг — умид.
Жон қуши,
Тегрангда гардун жангари.
ЖОН ҚУШИМ,
СЕН КЕЛА ҚОШИМА.
Жон уйи —
Хароба, ғамбода ватан.
Жон ўйи,
Кет нари, оқпадар фарзанд.
Жон ўйим,
Тарк этай сени, кишварим.
ЖОН ЎЛИМ,
СЕН КЕЛА ҚОШИМА.

БИР КУН

Дам шу дамдир,, ўзга дамни дам дема.
«Алпомиш» достонидан

Бир кун — хотирамда чақади чақин,
Бир кун. (Мавҳум армон кўксим тилади.)
Бир кун... Қолиб кетган яримта ҳаққим —
Олис ўша кунга қайтгим келади.

Армонли йўллардан ўтаман ғариб,
Ғойибдан руҳимга қуйилар бир ун:
«Бугунинг борар-ку ғафлатда қариб,
Ахир, қайтгинг келар унга ҳам бир кун...»

6- ТУШ

(«Телбавор тушлар» туркумидан)

Тақир чўлда йўл босар
Бир тошбақа мисли бод,
У ён борар саросар,
Бу ён борар бемурод.

Саксовуллар қимтиниб,
Кузатишар қад букиб,
У ён борар энтикиб,
Бу ён борар тер тўкиб.

Кесатки шикорини
Бузиб ўтар беомон,
У ён борар соврилиб,
Бу ён борар қоврилиб.

Вола жумла мавжудот,
Бунда не сир-синоат?
У ён борар дарбадар,
Бу ён борар бесамар.

Бир тошбақа йўл босар
Тақир чўлда бесамар.

ТОКИ...

Нечун шод ўлмайин дорингни кўрсам,
Шукрона айтмайин заҳрингни ичиб?
Нечун хок ўлмайин бағрингга кирсам,
Муждам не каъбадан каъбага кўчиб.

Дардим не мижжамга маржон илдириб,
Қаҳрим не қошимга қўндириб ханжар?

Ҳолим не дилимга нафрат тўлдириб,
Севинчим не менинг, ғамим не магар?

Нечун юрагимга сажда қилмайин,
Нечун йиғламайин, нечун кулмайин,
Нечун сўзламайин, нечун тўлмайин,
Нечун зиндонингда чириб ўлмайин?

Токи, адам тоғи кифтга йиқилиб,
Майли, туроб этсин, бўлмасин шафқат.
Токи, жон ўрнига харсанг тиқилиб,
Руҳ десин: лаззат бор, йўқдир машаққат...

ЖИНЧИРОҚ ФАЛСАФАСИ

Бировга на фойда ва на зиёнман,
Липиллаб тураман, ўртамиёнман.

Шижоат йўқ менда, шитоблик учун,
Ўзгалар умри деб офтоблик нечун?

Шундоқ ҳам умр кам, қайга шошай мен,
Ўзимнинг яшашим учун яшай мен.

* * *

Қиёс қилким қуёшни ул Навойига,
Ярашмишдир ярақлаб хўб самойига.

Навоий нуктасидан ким қилибдир нўш,
Бақо баҳрида бўлмиш дуч ҳумойига,

Зокиржон хобида тинглаб ўгит андин,
Муқимий садқа жон қилмиш рубоийга.

Ҳизр суйига ташна шоҳи кавн янглиғ
Юрак ташна «Хазойинул-маоний»га.

Бу не санъат, сеҳрли сўзда не асрор,
Етиб бўлмас ақл бирлан бадойига.

Кел, эй Воҳид, ғазал битмоқ эсанг, аввал
Қўлинг очгил Навойининг дуойига.

ҒАЗАЛ

Букун ағёр аро шармандаман ман,
Ки жумла оламим сан, сандаман ман.

Дилим зулф занжирига бўлди банди,
Сочинг ҳар банди бир бут — бандаман ман.


Яноғинг гулханидан чўғ вужудим,
Самандаркушману гулхандаман ман.

Лабинг гулбаргига гулшан шуурим,
Ажаб саҳро уза гулшандаман ман.

Жамолинг ҳажридин онча жунуним,
Чекиб ғам эл манга, пурхандаман ман.

Нетонг ишқ этса ёт ошиқни элдин,
Қаёндир аҳли ушшоқ, андаман ман.

Ки, эй, Мажнунни қўй, Вомиқни йўқ тут,
Букун ишқ даштида арзанда манман.



Абдувоҳид Ҳайит 1967 йилда Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, Чойдори қишлоғида туғилган. 1993 йилда ТошДУнинг журналистика факультетини тугатган. Ҳозирда Тошкент Давлат Шарқшунослик институти аспиранти.

ЁЗУВЧИ